

Мухаммад Ризо Огахий ўзбек мумтоз адабиётининг Алишер Навоидан кейинги улкан сиймоларидан биридир. Огахий халкимиз маданияти, адабиёти ва илм-фани тарихида таланти шоир, мохир таржимон, йирик муаррих, маърифатпарвар шахс сифатида ёркин из колдирган.

Маълумки, Огахий ниҳоятда баракали ижод килган. Шоирнинг “Таъвиз ул-ошикин” (“Ошиқлар тумори”) номли улкан девони бир неча жанрларда яратилган 20 минг мисрадан зиёд шеърдан таркиб топган. У Хоразм хонлиги тарихининг турли даврларини ёритишга бағишлаб бешта мустақил йирик тарихий асар яратган. Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Абдурахмон Жомийнинг “Саломон ва Ибсол”, “Бахористон”, Низомийнинг “Хафт пайкар” каби ўлмас бадиий асарларини, кўплаб тарихий китобларни маҳорат билан таржима килган.

Огахий ижодининг кимматли ва характерли томони шундаки, у Алишер Навоий ижодиётида юкори поғонагача кўтарилган адабиётдаги энг илгор, энг халқчил гоъвий-бадиий анъаналарни XIX аср шароитида юксак даражада ривожлантирди. Инсоннинг кўнгил хаётига теран кириб борган шоир дин, ахлоқ, маънавият, адолат тўғрисида ҳам ўз фикр-хулосаларини очик-ойдин изхор кила олган эди. Унингча:

Маоний богини доно килур сайр,  
Качон килгай они нодон тамошо.

Сўздан, яъни сўз изидан маънига томон сайрни ўрганган киши сўз холати, сўз тақдири ва тарихини ҳам бемалол билади. Худди тирик мавжудотга ўхшаб, сўз ва калималар ҳам тугилади, яшайди: баъзи бирлари узок умр кечирса, айримларининг умри кискарок бўлади. Вакт ва замон ўтиши билан сўзларнинг оҳанги, маъно ва шаклларида ҳам ўзгаришлар содир бўлиши ёки янги мазмун, ўзгача бир завк билан бойиши уларнинг жонли мавжудлик эканидан далолат беради. Буни Огахий газалларида ишқий, маърифий, ахлоқий маъноларнинг бир бутун тарзда ифодаланишидан ҳам илгаш мумкин. Огахий айни бир шеърда бир неча маъноларни акс эттиришда маҳорат кўрсатган шоир. Шунинг учун тасаввуфий маънолар ҳам унинг шеърларида худди жавҳардай, нурдай сингиб кетгандир.

Тасаввуф маданияти, фаолият ва тафаккури исломий дунёкараш ва тушунчанинг ажралмас бир қисми эканлиги илмда кайта-кайта таъкидлаб ўтилган. Хох бирор шайх ёки муршидга эргашсин, хох ўзи мустақил харакат килсин, иштиёкли хар бир киши бу ишқ, ирфон хазинасидан фойдаланган. Тасаввуф тажрибаси сингари унинг мавзуси ҳам дастлабки даврларда анча оддий ва осон англашинарли бўлган. Тарикатлар босқичи бошланиб, тасаввуфга фалсафа (айникса, юнон фалсафаси) кириб келгач, сўфийлик вақт ўтгани сайин мураккаблашиб, хар турли фикр карама-каршилиги, маслак тортишувларининг шиддатли гирдобига ўхшаб колган. Бунинг туб сабабини араб олими Абул Аъло Афибий шундай изохлайди: “Тасаввуф ягона бир манбага асосланмаган ёки тугилиш ва тараккиётини ток бир заминга боғлаб бўлмас даражада зиддиятли бир окимдир. Худди шу сабабдан тасаввуфга бағишлаб тадқиқотлар яратган атоқли гарб олимлари дастлаб тўғрилигига ишонган фикр-карашларини хаётларининг охирларида тарқ этарок, масалага бошка томондан ёндашганлар...”. Бизда эса, аксинча: тасаввуфга бир ёклама муносабат, хато, якранг, саёз гапларни такрорлаш гўёки бир “удум” бўлиб

колган. Бунинг бир канча сабаблари бордирки, биз улардан иккитасига тўхталиб ўтмоқчимиз. Биринчиси, Абу Наср Саррож таъкидлаганидек, тасаввуфни ўрганиш, унинг у ёки бу масаласи устида бош котириб, маълум бир хулосага келиш ақлга шодлик бермайди. Билъакс: ақл ва идрок, дард ва изтиробга чуқур ошно бўлиши, фано ва бакони тенг кўриши, холга тескари амалга, амалга зид холларга имкон кадар бархам беришига тўғри келади. Бу эса кийин ва азобли иш. Шу азоб ва кийинчиликларга чидашни зиммасига ололмаган киши тасаввуфдан завклана олмаганидек, тасаввуфий хаётнинг сир-асрорини ҳам ўзича кашф этолмайди. Хуллас, сўник рух, ўлик калималар тасаввуфнинг хаётини нафаси, хуррият шавқини ифодалаш ва кўнгилларга таъсир ўтказишга ҳеч имкон бермайди.

Иккинчи сабаб ҳам биринчисига бевосита боғлиқ. “Канчадан-канча кимсалар бордирки, — дейди улкан турк тасаввуфшуноси С.Улудог, — тасаввуфий хаётни яшаш истеъдоди ва қобилияти бўлмагани холда юзаки тарзда гох унга, гох бунга кизикиб, мажбуран, яъни ўзларини зўрлаб ўша хаётга сукилиб кирмоқчи бўладилар. Бирок бу иш уларнинг табиатларига мутлақо мувофиқ келмайди...”. Зехн, мушоҳада, хусусан, сезги пачоклиги тасаввуф ва тасаввуфий шеърларнинг кадр-кийматини ерга қориштирадиган бир бефахмликдирки, очиги, мумтоз адабиётимиз бундан зарар кўрмоқда. Бу фикр маълум бир маънода Огахий шеърлятига доир айрим мақолаларга ҳам тегишли.

Огахий Шарк адабиёти тажрибаларини теран билган, ютуқлар билан бир каторда ундаги камчиликларни ҳам аниқ англаган санъаткор. У Навоий, Бобур, Фузулий каби даҳоларнинг издоши.

Тасаввуфдаги мустақил бир тарикатга асос солган Нажмиддин Кубро, жавонмардлик гоёларини ифодалаш билан рубоий жанрининг доврўгига доврўг кўшган Пахлавон Махмуд Огахийнинг юртдошлари ва салафлари. Огахий кубравийлик таълимотидан пухта хабардор бўлганидек, Пахлавон Махмуднинг жавонмардлик тушунчаларидан илхомлангани шубҳасиз.

Нажмиддин Кубро таснифига кўра, тасаввуф уч асосий йўлдан иборат: тариқи ахёр — бу кўп тоат-ибодат ила Оллох висолига етишишни кўзлаганлар йўли; тариқи аброр — бу тасфияти ботин ва тазкияти ахлоқ орқали Оллохга восил бўлишга интиланлар йўли. Учунчиси, тариқи шуттор — ишк ва ошиқлик йўли. Худди шу кейинги йўл Огахийга макбул келган. Шунингдек, у Нажмиддин Кубро “Усули ашора” рисоласида талкин қилган тасаввуфнинг ўн асосига ҳам алоҳида аҳамият берган. Шоир шеърлятидаги, сиртдан қаралганда, нақшбандийлик ёки бошқа бир тарикатга дахлдордай кўринадиган айрим истилоҳ ва тушунчалар аслида уларга кубравийликдан ўтган. Бу жиҳат Огахий ижодиётидан ўрин эгаллаган маломатийлик қайфияти ва ҳақиқатларидан баҳс юритилганда ҳам, албатта, инобатга олиниши зарурдир.

Огахийнинг мутафаккир ва орифлиги шундаки, у қисмат белгилаган йўл — шеър ва шоирлик тариқидан қалғимаган, ҳеч қачон сўфийлик ва мутасаввиқликни санъаткорликдан баланд кўймаган. Унинг шеърларида неча ўнлаб тасаввуфий тимсол, рамз ва истилоҳларни учратиш мумкин. Улар нечоғли кўп ва такрор-такрор қўлланилган бўлмасин, Огахийни сўфийлик маслагига соҳиб шоир, дейишга ҳеч асос бермайди. Уни “сўфийи соф сиймолар” қаторига кўшиш эса гирт ёлғондир. Чунки ўзини ҳақ ишқига қурбон айлаган сўфийни ҳақдан бошқа бир нима қизиктирмайди. Хар қандай ижтимоий муносабат ва муассасага у ўзича ёт назарда қарайди. Огахийда эса, бундай эмас. У, энг аввало, фикр ва ишқ шоири. Унинг деярли барча шеърларида ишқдан, ошиқлик қарди ва холатларидан сўз юритилган. Фақат бу ишқ моддий ва башарий муҳаббатдан бошланиб,

хакикий ишкка караб юксалиб, ўзига хос бир рухоний микёс касб этиб борган. Бунда шоир табиий эhtiёжга суянган ва фикр-тушунчадаги ўзгариш, холдаги янгиланишларни ифодалашда ҳам табиийликдан асло чекинмаган.

Огахий, жад эт, мусохиб бўл хакикат ахлига,  
Тобакай бўлгай мажоз ахли била улфат санга.

Огахий ўз шахсиятининг ички талаб ва интилишларини ниҳоятда яхши тушунар, назмбозлик домига тушиб колмаслик учун нималардан кечиш ва кандай тўсикларни енгиб ўтиш зарурлигини беҳато тасаввур айларди. Мумтоз шоир ё ёзувчилар тўгрисида гапирилгани ҳамон хаёлда анъанавий шакл, мавзу, образ ва тасвир усуллари жонланади. Анъанавийлик — Шарк адабиётининг ўзига хос хусусияти ва харакат йўли. Унда умумий ўхшашлик ва такрор ҳам, янгилик ва кашфиёт ҳам бор. Шоирларнинг максад ва интилишлари, эришган натижа ва муваффакиятлари гоҳо бир-бирига гоьтда монанд. Айни бир мавзуда калам юритишдан тугилган якранглик, фикрий, хиссий тургунликдан ўкувчи безмаган, зерикмаган, деб айтолмайсиз. Бундан ташкари, пул, бойлик, мансаб, мартаба илинжида шеър тўкиш, подшоҳ ва нуфузли амалдорларга багишлаб турли-туман шаклларда мадхиялар тўкиш мусулмон халклари тарихида гайритабиий ходиса хисобланмаган. Койиллатиб касида ва мадхия ёзиш муваффакият, манфаат, обрў-эътибор гарови, деб каралган. Баъзан кашшоклик, баъзан шуҳратпарастлик, гоҳо мавке талашувлари боис, шоирлар шундок ишларга кўл уришганки, хар канакасига уринманг, хеч аклга сигдириб бўлмайди. Гарблик улкан бир шоир, мана, нима дейди: “Дунё адабиёти намуналарини мен иккига ажратаман: рухсат ила ва рухсатсиз ёзилган асарлар... Аввалдан хеч такикланмаган мавзуларда ёзадиганларнинг мен юзига тупуриб, бошига таёк билан ургим келади...”. Анъанавий колипда иш юритган шарклик кофиябоз ва шеър ўгриларига карата бундан ҳам кескин гаплар айтилган. Масалан, Мухаммад Ризо Огахий:

Сен чун назмингга шеър кўйдинг от,  
Сенга йўктурму шеър элидин уёт? —

деган. Аммо хеч канака танкид назмбозлик, курук таклидчилик йўлини тўсолмаган. Бора-бора халк завки, манфаати ва хакикат рухидан йирок бир адабиёт окими ҳам пайдо бўлган. Атокли турк шоири Номик Камолга кўра, “Мохият эътибори ила Ажам муболагаси ва сўз ўйинларидан иборат бўлган классик адабиёт жамиятга фойда нари турсин, зарар етказган”. Чунки унда юракка таъсир ўтказиб, шахс тарбиясига хизмат киладиган куч-кувват бўлмаган. Огахий ана шундай адабиёт намуналарига ич-ичидан карши турган. Илм ва маърифат Огахийни бешафкат хаёт зиддиятлари билан юзлашишга, хаёт эса шоир ўларок шаклланишда кўпдан-кўп кийинчилик, азоб-укубат ва кулфатларга чидамли бўлишга даъват этарди. Илм ва маърифат Огахийнинг шоир кўнглида бир чўг пайдо килган бўлса, хак ва хакикат ишки уни ёлкинга айлантирган эди. Шунинг учун шоир факир, фано, тажрид, узлат, хакикат, висол сингари тушунчаларни зўр иштиёк билан ифодалайди. Бунинг сабабини у бир ўринда бундай шархлайди:

Хамиша ботинан рогиб хакикат соридур кўнглум,  
Нечаким зохиран даъби онинг майли мажоз ўлсун.

Огахий яшаган замонларда ҳам, ундан олдинги даврларда ҳам тасаввуфга ҳеч майли бўлмаса-да, ижтимоий, маданий ва адабий муҳитнинг умумий талабига биноан, кўп шоирлар асарларига озми-кўпми тасаввуфий ранг беришга интиланлар. Бирок бундай уриниш кўпинча ўзини окламаган. Айнан шу масалага махсус тўхталган Ф.Кўпрулизоданинг ёзишича, “Асосан муайян шакллар ва тушунчаларга каттик боғланган адабиёт муайян қолип ичига кириб тотсизланган бир тизимнинг сохта ва умумий истилохлари билан кўшилиб-қоришгач, илхомнинг эркин ва табиий ҳаракат йўллари ҳам тўсилган эди. Ҳар бир шоир ўзидан аввал юзлаб маротаба такрорланган муайян шакллар, тушунча ва истилохлар, маълум мажоз, ҳуллас, тароватсиз ҳис ва фикрларни яна бир бор чайнаш — қайта такрорлашга мажбур эди”.

Агар Огахийнинг кўнгли ва руҳи илохий илхомдан йирок бўлганда эди, у ҳам ўзидан олдин неча юзлаб маротаба такрорланган фикр, мажоз, тимсол ва истилохларни яна бир бор чайнашдан нарига ўтолмасди. Ваҳоланки, у мутасаввиф киёфасида кўриниш ёки шеърнинг “харидоргирлиги”ни оширишни кўзлаб тасаввуфга ўзини урмаган — қалбида олий моҳият юз очиб, бош кўтаргани боис, тарикат ва тасаввуфий шеърят имтиёзларидан фойдаланган. Маълумки, тасаввуфий ҳаётдаги бош масала — нафс ва руҳ муносабати, яъни нафсни ҳар турли чиркинлик, иллат ва ёмонликлардан тозалаб, руҳга таслим этмоқдир. Огахийни ҳам, энг аввало, ана шу муаммо, ана шу машаққатли малака кизиктирган.

Бегона кил гар одам эсанг ўзни нафсдин,  
Ихлос ила мудом ўлубон ошноий рух.

Ҳўш, бунга қандай қилиб эришилади? Баъзи тасаввуфшуносларнинг кўрсатмалари бўйича, бунда нафс тарбиясини эмас, балки руҳни таниш, руҳга гамхўрликни биринчи ўринга қўйиш керак. Шу жойда таъқидлайликки, бугунги айрим “нафсшунос”ларга эргашиб, нафсдан бутунлай кечиш, нафсни ўлдириш тўғрисида ҳеч қачон сўзламаслик лозим. Нафс ўлдими — одам ўлади. Бу эса, худкушликнинг бир тури эрур. Нафсни қанча қийнаб, қанча азобга гирифтор этманг, тиниб-тинчиш холида ҳам у барибир ўзининг сифатларидан кечмайди. Имом Раббонийнинг эътирофи бўйича, шу сарқашликда кўп манфаат, сонсиз фойда бордир: “Агар нафс, сифатларининг зуҳуридан тамоман маҳрум этилса эди, тараккий йўли бекиларди. Руҳда эса, малаклик сифати голиб, келиб зиндонга камаларди. Шунинг учун Руҳнинг тараккийси фақат нафсга муҳолифот орқали воқе бўлур”. Нафсга ботинан муҳолиф бўлмоқ осонми? Тилда жуда осон. Амалда эса ундан оғир, ундан азиятли юмуш йўқ, деса муболага бўлмас. Риё ва мунофиқлик холини ниҳоятда чуқур тадқиқ этган Хорис ал-Мусоҳибийнинг таъқидлашича, ташки томондан ҳатто яхшилик ҳам нафснинг ҳаммолидир, чунки яхшилик зоҳиран итбаткор эрур. Инсон, шу сабабдан, қилган ишини, алоқаси бўлсин ё бўлмасин, Оллоҳ учун деб ҳисоблайверади. Холбуки, яширин тарзда нафс уни тузоғига туширган бўлади. “Нафс қулни асир этаркан, — дейди Мусоҳибий, — буни зоҳирий истак билан амалга оширмайди. Ейиш, ичиш, қийиш қаби майллардан ҳам фойдаланиб иш юритмайди. Аксинча, кўринишда яхши, аммо ичдан эхтирос тўла бир тавр ила мақсадга эришади... Нафс яхшилик билан ич-ичдан бирлашиб кетгандирки, кўринишда уни яхши ва яхшиликдан ажратиш гоятда қийиндир”. Мана шунинг учун қуруқ гап билан нафсни жиловлаб бўлмаганидек, нафси хавони ёмонлаганлар ҳам ёмонлик, разолат тегирмонига кўпинча бемалол сув қуяверишади. Бирок руҳ, зоҳир ҳисдан ботинга, яъни ташки идрокдан ички идрокка йўналгач,

нафснинг холлари заифлашиб, рухнинг қуввати ортади. Ва секин-аста у тўла хукмронликка етишади. Сўнг унинг ахволи янгиланади. Тўхтовсиз тарзда илгариланган, афзаллик ва гўзалликларини намоён қилган рух шухуд холига кўтарилади. Шундан кейин эса рух, ладуний илм ва илохий фатхлардан хабар етказа бошлайди. Бундан огох кишилар эса бошқалар томонидан идрок қилинмаган ҳақиқат ва маърифат сирларини мушоҳада этишга мушарраф бўладилар. Мана шундай орифлардан бири Огахийдир. Бу буюк шоир шеъриятининг ирфоний “катлами” хали чуқур тадқиқ қилинмаган. Зеро, бу иш наинки шеършунос, балки тасаввуфшунос сифатида ҳам махсус тайёргарликни талаб этади. Янгилик сифатида тақдим қилинган ишлар эса хато ва чалқашликларга лик тўла.

Иброхим Хаккул